O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 8 январь, №7 (3119) Чоршанба

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Янги йил муносабати билан чет мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқлари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарларидан сиҳат-саломатлик, бахт ва омонлик тилаб билдирилган самимий табриклар ҳамон келиб турибди.*

*Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш ва унинг рафиқаси Лаура Буш қуйидаги табрикни йўллаган:*

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ушбу байрам дамлари ва бутун Янги 2003 йил мобайнида қалбингиз ва хонадонингиздан меҳр-муҳаббат ва тинчлик-тотувлик аримасин.

**Жорж БУШ,**
**Лаура БУШ**

Шунингдек, Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус ва унинг рафиқаси Алма Адамкиене; Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко; Корея Халқ Демократик Республикаси Мудофаа қўмитасининг раиси Ким Чен Ир; Словения Республикаси Президенти Милан Кучан; Кемерово вилояти губернатори Аман Тулеев ҳам ўз табрикларини йўллаган.

## Фрайбургда Ўзбекистон куни

*Германиянинг Баден Вюрттемберг федерал ўлкасидаги Альберт Людвиг номидаги Фрайбург университети ҳузурида Германия — Ўзбекистон илмий жамиятининг тузилиши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси ва Фрайбург университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатнинг Бонн, Триер, Байройт, Кёлн каби турли олий ўқув юртлари олимлари, профессор - ўқитувчилари, Фрайбург шаҳар маъмурияти, ташкилотлар, компаниялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси (ЎзФА) вице-президенти Т.Мирзаев бошчилигидаги ҳайъат аъзолари иштирок этди.

Мамлакатимизнинг Германиядаги элчиси В. Норов ўз нутқида мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва йирик ислоҳотларга алоҳида тўхталди.

Шу билан бирга элчи ўз нутқида Фрайбург университети ҳузурида Германия—Ўзбекистон илмий жамиятининг ташкил этилиши ва мазкур олий ўқув юрти билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиши Ўзбекистон ва Германия муносабатларининг йилдан-йилга ривожланиб бораётганидан далолат беришини таъкидлади.

Фрайбург университети проректори Г.Остең ўз чиқишида айни пайтда Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий соҳаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётгани ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнида дунёнинг ривожланган демократик давлатлари билан яқин ҳамкорликни йулга қўйгани таҳсинга сазовор эканлигини қайд этди.

Тадбирда ЎзФА вице-президенти, академик Т.Мирзаев Ўзбекистонда илм-фан тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишини ва бу заминдан етишиб чиққан кўплаб машҳур олим, файласуф, шоир ва давлат арбоблари инсоният тараққиётига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганликларини таъкидлади.

Тадбир якунида Ўзбекистон Халқ бахшиси Ш.Болтаев ижро этган ўзбек фольклорининг сара намуналарини йиғилганлар катта қизиқиш билан тингладилар.

Анжуман доирасида, шунингдек, фрайбурглик тадқиқотчи ва ижодкор Г.Келлер ташкил этган «Ўзбекистонда аёллар маданияти» мавзуида фотокўргазма ҳамда Ўзбекистонда юз бераётган улкан ўзгаришларни, мамлакатимизнинг бой тарихий обидалари ва кенг сайёҳлик имкониятларини акс эттирувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА.**



## Мен офицер бўламан!

*Ўзиңи шу юртнинг ўғлони деб билган фарзанд борки, миллий армиямизда хизмат қилишни, аскар бўлишни орзу қилади. У ўзининг йигитларга хос мардлигини, жасур ва айни чоғда фидойилигини намоён қилгиси келади. Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва жанговар санъат махсус синфлари ташкил этилганида, ўқиш истагида келган болаларнинг кўплиги ҳам ўғлонларимизнинг суянч тоғларимиз бўла олишларидан далолатдир. Ҳозирда бу ерда юздан зиёд курсантлар таълим олишаётир. Уларнинг ўқишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Курсантлар умумий ўрта таълим дастурига киритилган фанлардан ташқари фалсафа ва чет тилларни ҳам мукаммал эгаллайдилар.*

*Уларнинг мақсади битта — шу азиз Ватанга садоқат билан хизмат қилиш.*

**СУРАТДА: аълочи курсант Ёрқул Миркамолов.**

**Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Тола — хорижга

Жума пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида қайта ишланган сифатли пахта толаси хориж бозорларида юқори баҳоланаяпти. Ҳозирга қадар акциядорлар 2600 тоннадан ортиқ толани экспорт қилдилар. Маҳсулотнинг асосий харидорлари Буюк Британия, Жанубий Корея, Италия, Австрия ва Швейцария сингари мамлакатлар бўлди.

Бу йил Пастдарғом тумани хўжаликларидан 22400 тонна пахта қабул қилиб олиниб, унинг 15 минг тоннаси қайта ишланди. Айни пайтда қайта ишланган тола экспорт қилишга ҳозирланмоқда.

**А. САТТОРОВ.**

*Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти (ТошДТИ) ва Россия давлат тиббиёт университети томонидан ташкил этилган "Замонавий ўқитиш технологиялари: натижалар ва истиқболлар" мавзуида ўқув-услубий конференция бошланди.*

## Долзарб анжуман

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректори Т.Даминов, Россия давлат тиббиёт университети ректори В.Яригин ва бошқалар таълим жараёнини ташкилий-услубий, инновация ва интеграция нуқтаи назардан ривожлантириш суръатлари Ўзбекистонда юқори эканлигини таъкидлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури бу вазифани амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Биринчи ТошДТИ бир неча йилдан буён АҚШ, Англия, Австрия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг таниқли олий ўқув юртлари, ўқув марказлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада Россиянинг нуфузли тиббиёт олий ўқув юртлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Масалан, илмий-услубий ва ўқув алмашувлар, ўқитувчилар малакасини ошириш, талабалар амалиёти, халқаро илмий конференцияларни ташкил этиш доимий асосда олиб борилмоқда.

Анжуманда уч кун давомида "XXI аср шифокори", "Тиббиёт олий ўқув юртида ҳамкорлик педагогикаси", "Ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш тажрибаси" каби мавзулардаги маърузалар муҳокама этилади.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## СПОРТ ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида Президентимизнинг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг янги тузилма фаолиятини ташкил этишга доир тегишли қарорини амалга оширишда республикамиз таълим тизими вазифалари муҳокама этилди. Унда барча олий ўқув юртлари ректорлари, факультетлар деканлари, жисмоний тарбия ва спорт кафедралари мудирлари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими вилоятлар бошқармалари раҳбарлари, шунингдек, талабалар спорт клублари раислари иштирок этди.*

Мажлисда сўзга чиққан олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов Ўзбекистонда ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига оммавий жалб қилиш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши ҳам буни яна бир бор исботлади. Ушбу жамғарманинг таъсис конференцияси ўтган йилнинг охирги кунларида бўлиб ўтган эди. Жамиятимиз янги тузилмага катта умид боғлайди. Зеро, спорт ёш авлодни наинки жисмоний, балки маънавий тарбиялашда ҳам катта аҳамиятга эга. Олий ва ўрта махсус таълим тизими ходимлари жамғарма фаолиятига, республикада кейинги йилларда ташкил этилган болалар ва ўсмирлар спортининг кенг кўламли тизимини янада ривожлантиришга имкон қадар кўмаклашишга жалб қилинган. Юз минглаб мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, талабалар иштирок этган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинлари ушбу тизимнинг узвий бўғинларига айланди.

Мажлисда шу муносабат билан Ўзбекистон олий ўқув юртлари олдида республикамизнинг барча ўқув юртлари учун жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини ошириш вазифаси турганлиги таъкидланди. Яқин вақт ичида ўқув дастурига Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига тааллуқли Президентимизнинг Фармони ва ҳукумат қарорини ўрганиш бўйича тўрт соатлик янги курс киритилади. Шунингдек, ўқув жараёнига энг илғор маҳаллий ва хорижий педагогик технологияларни татбиқ этиш кўзда тутилган. Чунончи, бошқа мамлакатларда чоп этилган болалар спортини ривожлантиришга оид махсус адабиётни ўзбек тилига таржима қилишни ташкил этиш режалаштирилган. Бу борада илмий-тадқиқот фаолиятини кенгайтиришга ҳам кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Спортда яхши натижаларга эришган ўқувчиларни рағбатлантириш учун эса стипендияларига 20 фоиз қўшимча тўлашга қарор қилинди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов, республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, таълим тузилмалари раҳбарлари сўзга чиқди. Спорт билан шуғулланиш ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши керак. Хусусан, республикадаги олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейлар бугунги кунда яхши спорт базаси, яъни заллар ва секциялар билан жиҳозланган замонавий мажмуаларга эга эканлиги ҳақида гапирилди. Мажлисда ушбу мажмуаларда уларга яқин жойлашган мактаблар ўқувчилари ва маҳаллалар ёшларига бепул шуғулланиш имконини беришга қарор қилинди. Олий ўқув юртлари эса улар орасидан иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган доимий оталиқни ўз зиммасига олади. Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг барча ётоқхоналарида янги кун жисмоний тарбиядан бошланади, бундай "беш дақиқалик"лар маърузалар орасидаги танаффусларда ҳам ташкил этилади. Бу билан ўқитувчилардан ташқари олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейларда фаолият кўрсатаётган "Камолот" ҳаракати бўлимлари ҳамда яқинда ташкил этилган "Талаба" республика спорт иттифоқи ҳам шуғулланади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Сўнгги хабарлар

### «Учқўрғонёғ»нинг имкониятлари кенгаймоқда

**"Учқўрғонёғ" ҳиссадорлик жамиятида Франциянинг "STECA" фирмасидан келтирилган технологик линия билан жиҳозланган цех ишга тушди. Айни пайтда бу ерда бир литрлик идишда соатига икки минг дона ўсимлик ёғи қадоқланмоқда.**

**Янги цехнинг ишга туширилиши билан корхонада тайёрланаётган маҳсулот миқдори ўттиз фоизга ортди. Ишловчилар сони эса ўн иккитага кўпайди.**

### Озуқанинг янги тури

"Навоийдонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятида чорва моллари ва паррандалар учун янги турдаги озуқа ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ширали, витаминли беда унига буғдой, арпа аралашмалари қўшилиб буғлатишдан ҳосил бўлган омухта емнинг харидорлари кўпайиб қолди.

Жамият раиси Иноят Тилавовнинг айтишича, янги цехда бир сменада 20 тоннадан зиёд маҳсулот тайёрланаётир. Келгусида унинг қуввати янада оширилади ва кунига 50 тонна тўйимли озуқа яратиш имконияти туғилади.

**А. ПИРМАТОВ.**

### Бўзлик «корейслар»

Бўз туманидаги 26-мактаб-интернатнинг 60 нафар юқори синф ўқувчилари корейс тилини ўрганишга киришдилар. Унга "Коика"жамғармаси, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, бошқа хайрия ташкилотлари ҳомийлик қилмоқда. Бу билан "ЎзДЭУавто", автомашиналарга жамловчи қисмлар етказиб берадиган Ўзбекистон—Корея қўшма корхоналарида ишлайдиган таржимонлар муаммоси барҳам топади.

**"Туркистон-пресс".**

### Нукус ҳақида рисола

**Тошкентдаги "Кураш" нашриёти қорақалпоғистонлик олимлар Х. Есбергенов, С. Нуржонов, Ғ. Хўжаниёзов, В. Ягодинларнинг "Нукус — Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти: қадим ва навқирон шаҳар" деб номланган китобини чоп этди. Унда Нукуснинг олис ва яқин ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида сўз боради. "Нукус тараққиёт йўлида" деб номланган рангли фотоальбом ҳам айнан шу босмахонада чоп этилди. Ҳар икки нашр ҳам Нукуснинг қутлуғ тўйига туҳфадир.**

**Я. ҚЎЧҚОРОВ.**

### Яна бир шифо маскани

**Урганчда вилоят биринчи клиник шифохонаси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Қарийб қирқ йилдан буён аҳолининг корига яраётган ушбу шифо маскани йиллар давомида анча таъмирталаб бўлиб қолган эди. Шифохонага 160 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар ўрнатилди. Барча қулайликларга эга ушбу шифо масканида бир йилда 20 минг нафар бемор даволаниш имкониятига эга.**

**"Туркистон-пресс".**

Газетада босилмади, аммо...

## Аттестация ҳайъати ҳақ эди



Тўрткўл туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро М.Йўлдошев таҳририятимизга йўллаган мактубида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг аттестация ҳайъати томонидан 1996 йил 13 май куни Давлат автомобиль назорати алоҳида йўл хизмати нозирлигига нолойиқ деб топилгани юзасидан шикоят қилганди. Таҳририятдан ишга тикланишида кўмак сўраганди. Яқинда шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари О.ТУРДАҚОВдан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, аттестация хулосаси тўғри бўлган. М.Йўлдошев хизмат фаолияти давомида йўл қўйган камчиликларини астойдил тан олиб, хатоларидан пушаймонлигини баён этган. Келгусида хизматга қайта қабул қилинса, сидқидилдан ишлашга сўз берган. Шунга ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хулосасига биноан, у Тўрткўл тумани ички ишлар бўлимига қарашли вақтинча ушлаб туриш маскани ходими лавозимига ишга тайинланган.

Қарор ва ижро

## Арзон шўрва татимас

### кўпчилик истеъмолчилар бу ҳақиқатни кечроқ англаб етишяпти

*Қўлига таги кўчиб кетган болалар ботинкасини ушлаб олган онахон савдо расталарини оралайди.*

*— Ўтган бозор шу атрофдан неварамга сотиб олган эдим. Сотувчи тоза мол, ҳайвон терисидан, деб қўлтиғимга сув пуркаган экан. У бозордан бу бозорга ҳам етмади. Таглиги ажраб, терилари тарам-тарам ёрилиб кетаяпти.*

*Хориж ёзувига учибман. Қани энди ўша мўлтони, фирибгар сотувчини топиб олсам. Арзон шўрва татимас, деб машойихлар беҳудага айтмаган экан.*

Марғилон шаҳрининг буюм бозорида бундай машмашаларга, арзонга учиб, куйиб қолганларни кўплаб учратиш мумкин. Кимдир поймa-пой пойабзални кўтариб олган. Яна кимнингдир қўлида нимчаси шимига тўғри келмайдиган костюм. Ҳали охори тўкилмай яроқсиз ҳолга келиб қолган электр жиҳозлари. Куйинчак истеъмолчиларнинг қайси биридан касса паттаси бор-йўқлигини сўрасангиз елка қисади.

Истеъмолчиларни алдаб, сифатсиз, эплаб-чаплаб мол сотаётганлар ҳам ўзимизнинг орамиздаги одамлар. Мана шулардан бири Марғилон шаҳрилик якка тартибда савдо қилувчи тадбиркор Абдулазиз Турсунов. У буюмлар бозорида эркаклар кўйлаги билан савдо қилаётганда солиқчиларнинг эътиборини тортди. Кўринишдан бинойидек, ялтироқ қоғозларга ўралган кўйлаклар очиб кўрилса, сири ошкор бўлади. Матоси юпқа, ёрлиқлари қалбаки. Ўз-ўзидан бу кўйлакларга мол эгаси на сифат сертификатини, на божхона ҳужжатларини тақдим қила олмади. Боз устига сотувчида ҳокимият томонидан бериладиган якка тартибда савдо қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳам йўқ экан.

Бундай хурмача қилиқнинг интиҳоси эса аниқ. А.Турсуновга тегишли бўлган 100 минг сўмлик 45 та эркаклар кўйлаги давлат ҳисобига мусодара қилинди. Яна у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талабларини бузганлиги учун 22 минг 675 сўм жарима ҳам тўлайдиган бўлди.

Афсуски, вилоятда истеъмолчилар манфаатини топтаётган, қонунлар ва қарорларни менсимасдан иш тутаётган «ишбилармон»лар истаганча топилади. Қува туманилик М.Қосимов, Фарғона шаҳрилик М.Назиров, тошлоқлик Х.Раҳмонов сингари юлдузни бенарвон урадиган учарларнинг ҳам югургани сомонхонагача бўлди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз, осмондан тушгандай товарларни савдога олиб чиқишганида тумшуқларидан илинишганини билмай қолишди. Сертификатсиз, сифатсиз мол-ашёлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шу қисқа вақт ичида вилоят солиқ идораси ходимлари томонидан 15099 та ҳолат бўйича биз юқорида тилга олган Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаблари бузилганлиги аниқланди. 125 миллион сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, 3,7 сўмлик тамаки ва спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Савдо қилиш талабларини бузган сохта «тадбиркор»га эса 14,3 миллион сўмлик жарима солинди.

Фарғона вилоятини қўшни Қирғизистон ва Тожикистон мамлакатлари билан боғлайдиган 100 дан зиёд турли йўллар мавжуд. Яқинда божхоначилар юртимизга Қирғизистон ҳудудидан яширинча ўтиб келаётган учта «Дамас» карвонини тўхтатишди. Йўлни чапга солган бу машиналар салонига ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 14 хилдаги сертификатсиз саноат моллари босилган экан. Божхоначиларнинг ҳаракати туфайли бозорларимизда яна усти ялтироқ, ичи қалтироқ молларнинг пайдо бўлиши олди олинди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Обод маҳалла – бизнинг маҳалла

# ОҚСОҚОЛ

*Оқсоқол сўзининг луғавий маъноси — соқоли оқ киши. Лекин буни халқимиз кекса, ёши улуғ инсон (Хоразм тарафларда ёшулли) маъносида ишлатади. Бироқ бу — сўзнинг биринчи маъноси, холос. Халқ — жуда доно. Раҳбар, йўлбошчи, маслаҳатгўй кишини ҳам оқсоқол дейди.*

*1992 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилганидан кейин бу сўз чинакамига бир ҳуқуқий атамага айланди.*

Гарчи маҳалла фуқаролар йиғинининг раҳбари расман *раис* тарзида ишлатилса ҳам, одамлар ҳурматини қилиб, уни *оқсоқол* дейди. Асосий Қонунимизнинг қуйидаги сатрларига назар ташланг: **«Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.**

**Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади»** (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 105-модда).

Умуман, ўзини ўзи бошқаришнинг маҳалла усули мустақил ўзбек давлатчилигининг соф миллий хусусияти ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилаётганда айнан Конституциямизнинг шу — 105-моддасига урғу берди, бошқача айтганда, халқнинг диққат-эътиборини шу модда ижросини кучайтиришга қаратди.

Бу — Йўлбошчимиз сиёсати учун хос хусусият.

Сабаб?

Тўрт-беш йил бурунги тарихга бир нигоҳ ташлайлик.

1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Бунда Конституциямиздаги муҳим бандлардан келиб чиқилди, дейиш мумкин. 2-моддада, жумладан, шундай дейилади: **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади»**. 7-модда эса мана бундай бошланади: **«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир»**. 13-моддага биноан эса энг олий қадрият тубандагича белгиланади: **«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»**.

Президентимиз кейинги йиллар йўналишини белгилашда ҳам Конституция руҳидан келиб чиқиш анъанасини давом эттирди.

Бош Қомусимизнинг XIV боби «Оила» деб аталади. Шунинг таркибидаги 63-моддада, жумладан, шундай сўзлар бор: **«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга»**. 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ана шу масалага эътиборни қаратди.

1999 йил «Аёллар йили» дейилиши билан 46-моддаги: **«Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар»**, — деган қоидага урғу берилди.

2000 йил «Соғлом авлод йили» бўлди. Бунда 64-моддага суянилди: **«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.**

**Давлат ва жамият етим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради»**.

Кейинги — 65-модда эса айнан 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилишга ундагандек бўлади:

**«Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.**

**Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади»**.

- ***Конституция ва йил йўналишлари.***
- ***Маънавиятнинг мурвати кимнинг қўлида?***
- ***Адолатнинг-чи?***
- ***Мафкурага ким масъул?***
- ***Ижтимоий ҳимояни ким қўлга олсин?***

Навбат, ўз-ўзидан, «Қарияларни қадрлаш йили»ни эълон қилишга келиб қолганини кейинги — 66-моддадан аниқлаштириб олса бўлади: **«Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар»**.

Демак, меҳнат ёшидаги кишилар ёш фарзандларини боқиш, парвариш қилиш учун қанчалар масъул бўлса, кекса ота-онаси ҳолидан бохабар бўлишга ҳам худди шундай бурчдор. Буни Конституциямиз мамлакатимиздаги, миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларга вазифа қилиб қўйяпти.

Шунинг учун ҳам, 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши Ўзбекистон халқи руҳи—табиатига ҳар тарафлама мос қарор бўлди.

Айрим кимсаларнинг мақсад-муддаосидан қатъи назар, Ўзбекистон демократик тузум барпо этишга юз тутди ва бу йўлдан асло қайтмайди. Бундай янги жамиятни эса адолатли ва мустаҳкам қонунлар асосида бунёд этамиз.

Янги йилда барчамизнинг диққатимиз маҳаллага, уни обод қилишга қаратилар экан, даставвал кўз ўнгимизга оқсоқол келади.

Ростини айтганда (ҳаёт-да бу), идорада раҳбарнинг қай бир топшириғи бажарилмай қолиши мумкин, лекин маҳаллада оқсоқолнинг сўзини икки қилиб бўлмайди. Ҳаммамиз шу тахлит ўйлаймиз. Чунки ишхонани ўзгартириш мумкин бўлар, бироқ маҳалла осонликча алмаштирилаверадиган нарса эмас. Оқсоқол — ҳассакашларингизнинг раҳбари.

Гарчи кўполроқ бўлса ҳам, бир мисол келтираман. Яқинда телевидение кўрсатувида фоҳишабозликка қарши курашга мутасадди ҳуқуқ ходими қизиқ гапни айтиб қолди. Ахлоқи бузуқ аёллар бир нарсани қаттиқ илтимос қилар экан: «Нима жазо берсангизлар, тайёрман. Бир ўтинчим — маҳалламга билдирманглар.»

Демак, маҳаллада маънавиятнинг мурвати ҳам оқсоқолнинг қўлида экан.

Ҳозир айрим маҳаллаларимизда кўплар фитр рўзани ҳам, закотни ҳам маҳалла раисига келтириб беряпти. Чунки у ким кўпроқ ёрдамга муҳтожлигини ҳаммадан кўра яхшироқ билади-да. Бироқ...

Бир оқсоқол билан гаплашдим, қўшни маҳалладан ҳам ўзига тўқ кишилар закотни бизга олиб келиб беришяпти, дейди. Нега ўзининг маҳалласи оқосоқолига эмас? Олдинлари ўзимизнинг маҳаллага бериб турар эдик, лекин бирор муҳтожга ёрдам қўли чўзилганини эшитмадик, Сизга ишонамиз, дейишибди улар.

Демак, маҳаллада адолатнинг мурвати ҳам оқосоқолнинг қўлида.

Бугун ёт ғоялар таъсирига тушиб, билиб-билмай ўзгаларнинг ўтхонасига ўтин қалаётган айрим ёшлар хатти-ҳаракатидан ҳаммадан бурун ким хабар топади? Маҳалла-кўй, қўни-қўшними?

Демак, маҳаллада миллий мафкуранинг мурвати ҳам оқсоқолнинг қўлида.

Орамизда шундайлар борки, Президентимиз ўртага ташлаган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» шиорининг чинакамига ҳаётий қатъиятга айланиб кетишига шубҳаланиброқ қарайди. Чунки собиқ тузум кишилари давлат ўз вазифаларининг кўпини жамиятга бериб қўйишига ишонмайди.

Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласини биламан, мактабдаги кам таъминланган оилалар болаларига дарсликлар олиб берган, Янги йил байрамини ташкил этиб, қўли калтароқ хонадонлар фарзандларига совға улашган, кексаларни, ногиронларни моддий рағбатлантириб туришнинг механизмини яратган ва ҳоказо кўп хайрия ишларни йўлга қўйган.

Демак, бугун ижтимоий ҳимоянинг мурвати ҳам оқсоқолнинг қўлида.

Ана энди масала ойдинлашди: ҳар қандай мансаб-лавозимни шахсий бойлик тўплаш манбаига айлантириш мумкиндир, бироқ маҳалла оқсоқоли деган юксак даражани шу дарддан холи, ҳар тарафлама покдомон одамларга берайлик!

Лоақал, шу лавозимни ҳақиқий савобталаб одамлар, элга чин кўнгилдан, фийсабиллоҳ хизмат қиламан дейдиганлар, ҳар бир ҳаракатимни халқ ҳам, Худо ҳам кўриб турибди, деб ҳисоблайдиганлар ишлайдиган вазифа деб билайлик!..

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари.**



*Кўпкарида улоқни тўдадан дангал узиб, уни маррага якка ўзи келтириб ташлаган чавандоз олқишларга кўмилиб кетади. Одатда улоқ битта бўлгани билан, марра сари интилган чавандознинг отини кимдир қамчилайди, кимдир жиловидан тортади, кимдир ҳай-ҳайлаб тўдани ёриб чиқишига кўмаклашиб юборади. «Боёвут» ширкат хўжалиги пахтакорлари худди ана шу чапдаст чавандоз янглиғ ўтган йили ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келдилар. Бу ғалабанинг қадри шундаки, улар нафақат Боёвут туманида, балки вилоятда ҳам биринчилардан бўлиб берган сўзларининг устидан чиқишди.*

# Юзи ёруғ одамлар

Баҳорда ёмғирли кунларнинг кети узилмади. Одамлар бир ой ичида далага киришолмади. Ҳолбуки, пушта олиб қўйилган эгатларга чигит қадалса, ҳафта ўтмай, ниҳоллар ям-яшил бўлиб саф тортарди.

Апрель адоғида кун ўзини қўйиб берди. Офтоб энди далаларга мўл-кўл нур тўкарди. Механизаторлар шийпонда тунаб, шу ерда тамадди қилар ва шу ерда иш режаси тузиб олинарди.

2823 гектар майдонга 21 иш кунида уруғ қадалди. Сеялка тиркаган сўнгги трактор даладан чиқаётган бир паллада чопиқ тракторлари эндигина чин-барг чиқарган ниҳоллар қатор орасига илк ишлов бериш учун далаларга кириб келди. Ана шунда ҳориган чеҳраларга тоза эпкин сингари бир кулги инди. Кўнгиллардаги хавотирлик булутларини умид ҳислари нари қувиб юборди. «Ўн йиллардан буён бундай оғир, бундай инжиқ кўкламни кўрмаган эдик», деди ўшанда кекса деҳқонлар. Улар ҳақ эдилар. Тўғри, кўклам деганлари ҳар йили ҳам деҳқоннинг пешонасини силамайди. Гоҳ қурғоқчилик, гоҳ эса ёғингарчилик муаммо кетидан муаммони келтириб чиқараверади. Асл деҳқон ана шу инжиқ кўкламни, ташвишли ёзни, ҳадеганда осмонга қора булут чиқариб, қовоқ уядиган кузни ўз измига бўйсундириб, ҳосил етиштиради. Деҳқоннинг қандай деҳқонлиги мана шу нуқталарда билинади.

Комил Туратов, Шоди Абдуллаев, Алижон Тожибоев, Акром Жабборқулов, Асқар Алиқулов, Лапас Қўшбоқов сингари ўнлаб механизатор ва сувчилар бултурги кўкламни эслаганларида, гап ўрнига танглайларини тақиллатиб, бошларини сарак-сарак қилиб қўйишади. Ким билсин, балки улар бу билан «Сиз у кунларни сўраманг, биз айтмайлик...» демоқчиларми?

... Ғўзалар дуркун-дуркун бўлиб ўса бошлагач, ўғитлар пайдар-пай берилди, сув таралди, ягана қилинди. Шунда ниҳоллар кулиб-кулиб гул кўрсатди. Гуллар иймана-иймана кўсакларга айланди. Бироқ август бошида ана шу кўсакларда қурт пайдо бўлди. Шунда кўсаклар атрофида номини айтишга ҳам кишининг тили яхши айланмайдиган «Трихограмма» ва «хабраброкон» деб аталмиш ҳашаротлар «Қайдасан, кўсак қурти» дея хўп айланиб учишди. Кейин чаноқлар қиқирлаб юборди. Кейин ғўзалар яшил кўйлак ўрнига оқ либос кийдилар. Қирқма қовунларга таъм кириб, узун-узун ипларга қалампирлар илина бошлаган бир паллада «Ҳамма теримга!» деган чорлов янгради.

Зулфия Раҳмонова, Басбуви Холматова, Зарифа Миролимова, Ҳанифа Назарова, Марҳамат Муллачаева, Интизор Солиева ва номлари бу ҳикояга сиғмаган ўнлаб опа-сингилларнинг бири енг шимарса, бири аллақачон белига этак боғлаб, эгатга тушиб кетди. Уларнинг кимўзарга пахта терганини, тонгни тунга улаганини ёзиб, гапириб ифодалаш мушкул. Ғалвир сувдан кўтарилган бир паллада бу опахону онахонларнинг, сингилжону келинпошшоларнинг ҳар бири 6-7 тоннадан пахта терганлиги маълум бўлди.

Илҳом Бегалиев, Раҳмон Маллаев, Хайрулла Раҳмонбердиев, Сафар Нурматов, Равшан Омонтоев сингари оилавий пудратчию фермерлар эса гектар ҳисобига 35-40 центнердан хирмон уйиб, маррани забт этдилар.

Ниҳоят, хўжалик хирмони 8000 тоннадан ошди. Шаҳодат бармоқлар пешонадаги реза-реза терларни бир сидириб ташлади. Ҳисобчилар чўт ташлаб кўрсалар, пахтанинг ўзидан кўриладиган даромад 1,8 миллиард сўмдан ошар экан. Фақат терим даврида юзга яқин оила 150 мингдан то 200 минг сўмгача даромад қилибди. Юзлаб кишиларга илғорлиги, жонбозлиги учун миллион-миллион сўм мукофот пули тарқатилибди.

— Биз нафақат пахта, балки давлатга ғалла, пилла, сабзавот маҳсулотлари сотиш режаларини ҳам ошиғи билан бажариб, миллион-миллион сўм соф даромад олдик, — дейди хўжалик раҳбари Ғофуржон Алиев. — Мана шу даромад эвазига учта қишлоғимиздаги электр тармоғини, битта қишлоғимиздаги газ тармоғини янгилаб оламиз. Сув чиқмаётган қудуқлар кўзини очамиз. Янги техника ва бошқа иш қуроллари харид қиламиз.

Мақолага нуқта қўядиган пайт келди. Бироқ...

Тумандаги, қолаверса, вилоятдаги бир қатор пахта етиштирувчи хўжалик раҳбарлари билан гурунг қилганимизда, улар қолоқлик сабабини обҳавога, ўғит ва техника етишмаслигига олиб бориб тақашади. Бу баҳоналар бир йил бўлса, борингки, икки йил бўлса кошкийди! Айрим раҳбарлар сурункасига қатор йиллардан буён ана шу баҳоналарни ўзларига қалқон қилиб, амал курсиларидан тушгилари келмайди. Бу баҳоналарнинг қанчалик асосли ёки аксинча эканлиги уларнинг виждонига ҳавола. Аммо бир нарса аниқ: фақат баҳона билан на қорин тўяди, на кишининг юзи ёруғ бўлади. Юзим ёруғ бўлсин, деган ҳар бир одам, аввало, биз ҳикоя қилган хўжалик аъзолари каби ҳузур-ҳаловатдан воз кечишлари, ерни алдаш ўрнига унинг юрагига, унинг қалбига қулоқ тутишлари шарт. Якунланган йилда ширкатчилар эришган ютуқлар шуни тақозо қилмоқда.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўз ишининг фидойилари

*Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманидаги 63-сонли автосарой акциядорлик жамиятида ўз ишининг фидойилари меҳнат қилади. Жамоа аҳли қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида, сув иншоотларини барпо этишда фаол қатнашиб, кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўляпти. Бу ерда ишчилар ва ҳайдовчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳам эътиборга лойиқ.*

*Шу боис улар унумли ишлашга ҳаракат қилмоқдалар.*

**СУРАТДА:** ***ишчи Жаксилиқ Утебоев.***

**Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.**



## Умр фойдаси

**Кеча Юнусобод туманидаги 70-мактабда Тошкент шаҳар халқ таълими ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ҳамкорликда «Йўл ҳаракати қоидалари ўқитилишини такомиллаштириш услублари ҳамда болаларнинг йўлларда шикастланишларидан сақлаш» мавзуида семинар бошланди.**

**Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатувчи ўқитувчилар, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирокида ўтказилаётган семинарнинг асосий мақсади йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш дастурини сифатли бажариш, ўқувчилар ўртасида йўл ҳаракати ҳодисаларининг олдини олиш ва ўқувчилар билан синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларга янгича ёндошишдан иборат бўлди.**

**Семинар қатнашчиларида «Йўл ҳаракати қоидалари — бизнинг ҳаётимизда» деворий газета ва плакатлар кўриги, ўқитувчилар, ўқувчилар томонидан ишланган кўргазмалар намойиши катта қизиқиш уйғотди.**

**М. ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мустақиллик мақоми жорий этилгач

*"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан илгари фақат туман ва шаҳар судларига бўйсуниб келган суд ижрочилари эндиликда мустақил ижро органлари сифатида фаолият кўрсатмоқда.*

Туманимиз суд ижрочилари бўлинмасининг аъзолари ҳам қонун амалга киритилганидан сўнг, яъни жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида ижроси таъминланиши зарур бўлган мингдан ортиқ ишларни кўриб чиқиб ижро ҳаракатларини олиб боришди.

Масалан: ўзини тадбиркор, деб келган, аммо белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан, солиқдан қочиб юрган фуқаролар И. Бегбоев ва О.Абдураҳимовларга оид ишни олайлик. Улар тадбиркорликнинг савдо-сотиқ тури билан шуғулланиб келишган. Хусусан бир гал Тошкент шаҳридаги номаълум шахслардан Хитой Республикасида етиштирилган сифатини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз 12.500 килограмм гуруч маҳсулотини И.Ҳайитбоев бошқарувидаги "КамАЗ" русумли автомашинага ортиб, Фарғона водийсига сотиш учун олиб кетаётганларида тўхтатиладилар. Далилий ашё сифатида олинган гуруч маҳсулоти Оҳангарон туман жиноят ишлар бўйича судининг шу йил 30 июлдаги қарори билан давлат фойдасига мусодара қилинди ва мазкур қарор дарҳол ижро этилди.

Туманимиз суд ижрочилари бўлинмаси айрим ташкилотлардаги қарз ва шартнома шартларининг бажарилмаслиги оқибатида содир этилган камомадларни ундириш ишларини ҳам олиб бормоқда. Масалан "Улуғбек" хусусий фирмаси, "Савдогарбанк"нинг Оҳангарон туман бўлимидан 2.992.400 сўм қарз бўлгани ҳолда, бу қарзни вақтида тўламаган. Ушбу иш Тошкент вилояти хўжалик судида кўриб чиқилиб, қарзларни ундириш тўғрисида ажрим чиқарилди. Ижрочилар томонидан қарор ижроси таъминланди.

"Эйвалек темир бетон" маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси Олмалиқ шаҳридаги "Темур" кичик корхонасидан 1.028.094 сўм қарз бўлгани ҳолда қарзларини ўз вақтида тўламаган. Вилоятимиз хўжалик судининг қарорига асосан корхона мол-мулки ҳисобидан ушбу суммалар тўлиқ ундириб берилди.

Бундан ташқари оиласини, вояга етмаган фарзандларини таъминлашдан қасддан бўйин товлаб юрган шахсларга ҳам қонуний чоралар кўрилмоқда.

Хуллас "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартиб-қоидалар бизга катта масъулият юклади. Суд ижрочилари эса ана шу қонун доирасида ўз фаолиятларини изчил давом эттирмоқдалар. Бугун улар фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётганликлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар амалга ошаётганлигининг исботидир.

**Ойбек УМУРЗОҚОВ,**
**Оҳангарон туман суд ижрочилари бўлинмасининг катта суд ижрочиси.**

Муносабат

# САЁЗ ИЖРО ЙЎЛИ ТЎСИЛАДИ

*«Халқ сўзи» газетасининг 2002 йил 13 декабрдаги Ўзбекистон халқ шоири Т.Сулаймоннинг «Аслида бешикдан бошланар қўшиқ» деб номланган мақоласида билдирилган фикрларнинг аксариятини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўз мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишни лозим топдик.*

*Қўшиқ, мусиқа халқ маданияти, маънавий дунёси, тафаккури, тарихини кўзгудагидай акс эттириб берадиган бадиий санъат тури ҳисобланади. «Қўшиқ — миллат қалби» деб бекорга айтилмаган. Унинг қудрати беқиёс, у якка шоирнинг ва бастакорнинг, якка хонанданинг ва созанданинг шахсий ўй-фикрларини эмас, балки бутун халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ифодалайди. Шу боис, биз қўшиқчилик санъатини кўз қорачиғидек авайлаб-асраб, келгуси авлодларга бор қадр-қиммати ва бойлиги билан етказиб беришга бурчлидирмиз.*

Бугун қўшиқчилик санъати, айниқса ўзбек эстрада санъати маънавий ҳаётимизнинг муҳим бир бўлагига айланиб қолганлиги бор ҳақиқат. Бугун биз чуқур мазмун ва маънога эга бўлган эстрада қўшиқларисиз кундалик турмушимизни тасаввур эта олмаймиз. Негаки, қўшиқ — даъваткор сўз, у инсонни эзгуликка, жасоратга ундайди.

Кейинги йилларда миллий эстрада санъати ривожига йўналтирилган талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, бир қанча республика ва халқаро эстрада қўшиқ фестиваллари, ёш хонандалар танловлари, илк бор мамлакат миқёсида «Олтин ҳумо» мукофоти тақдимоти бўлиб ўтди. Ўнлаб ёш эстрада хонандалари Президентимиз томонидан юксак давлат мукофотлари ва унвонларга, ёшлар учун махсус таъсис этилган «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлдилар.

Бугун истеъдодли хонандаларимиз Нилуфар Раҳматова, Озода Нурсаидова, Севара Назархон, Дилфуза Раҳимовалар эстрада санъати ривожига ҳисса қўшаётганликларини фахрланиб таъкидлаш жоиз. «Нола», «Байрам», «Сурхон», «Маржон» сингари эстрада гуруҳлари ўзбекона миллий руҳда ёзилган ва ижро этаётган қўшиқлари билан санъатсевар халқимизни хушнуд қилмоқда. Ўтган йиллар давомида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси энг ёш овоз соҳиблари учун ўнлаб янги қўшиқлар буюртмасини амалга оширди. Мана куни кеча 2003 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтадиган «Азиз она юртим наволари» республика танлови учун Д.Илёсов, А.Расулов, С.Раҳматов каби истеъдодли бастакорларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Жуманиёз Жабборов шеърларига ёзилган янги қўшиқларини бизга тақдим этдилар.

Бирлашма қошида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов бошчилигида фаолият кўрсатаётган Эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши бир ярим йил давомида 200 га яқин истеъдодли яккахон хонандалар ва бадиий жамоаларнинг ижодий ютуқларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг фаолият кўрсатишлари учун махсус рухсатномаларни расмийлаштириб берди. Айни замонда, юздан ортиқ эстрада хонандаларининг ижодий фаолияти кўрикдан ўтказилмади ва уларга кенгаш концерт фаолияти учун махсус рухсатнома бермади. Яратилган янги қўшиқлар ўта саёз бўлганлиги туфайли шеър матнлари ўз муаллифларига қайтарилди.

Шундай экан гап нимада? Нима учун қилаётган яхши ишларимиз аксарият ҳолларда сувга оқиб кетмоқда? Нима учун айрим эстрада жамоалари, яккахон ижрочилар, бастакор ва шоирларнинг масъулиятсизлиги оқибатида мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан заиф қўшиқлар концерт дастурларидан ўрин олиб, эртаю кеч радио ва телевидение орқали баралла тарғиб қилинмоқда? Қачонгача бундай қўшиқлар ёшларнинг маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг ақл-заковатини, ёш қалбини заҳарлайди? Нима учун матбуот саҳифаларида ҳамон ташвишли мақолалар кўзга ташланиб турибди?

***Бадиий саёз қўшиқлар деганда нимани тушунамиз ва улар қандай пайдо бўлади? Уларнинг пайдо бўлишига, мутахассисларнинг якдил фикрича, биринчи навбатда бадиий саёз шеърий (агар шундай дейиш жоиз бўлса) матнлар сабаб бўлмоқда. Улар энг биринчи навбатда дидсиз хонандаларнинг «ижодий маҳсули» ҳисобланади. Чунки, бундай матнларни ё уларнинг ўзлари ёзадилар, ёки бўлмаса, ижрочининг тақлид асосида «яратган» куйларига яна бир дидсиз «сўз устаси» сўз тўқиб беради.***

Бадиий саёз матн, биринчидан, бадиий образлардан холи, эстетик таъсирдан йироқ «қора сўзлар» йиғиндиси демакдир. Иккинчидан, давлат тилимиз талаффуз қоидаларини бузиш, асрлар мобайнида шаклланган сўз бойлигидан маҳрум бўлиш, яъни ўз тилидан бегоналашиш демакдир. Учинчидан, урф-одатларимиз, анъаналаримизга зид боришдир.

Шундай экан, ушбу қўшиқлар қандай қилиб оммалашиб боради?

Бунинг бир неча омиллари бор. Аввало, дидсиз қўшиқчининг кучли ҳомийси маблағи улар учун энг замонавий овоз ёзиш студиялари, нуфузли концерт майдонларига йўл очиб беради. Нодавлат радио ва телеэфирларда бир кунда ўн марталаб бу қўшиқларнинг «айлантирилиши»ни таъминлайди. Қарабсизки, қўшиқчи «эл назарига тушади». Устига-устак, тўй-томошаларда мана шундай қўшиқ ва қўшиқчилар «олқишланадилар». Аслида тўй ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган майдондир. Шу маънода биз маҳалла оқсоқоллари имконларидан бу йўналишда тўлароқ фойдаланиш чораларини кўришимиз зарур кўринади.

Яна бир гап шуки, қўшиқ танқидчилиги етарли фаоллик кўрсатмаяпти, эстрада қўшиқчилигимиздаги салбий тамойилларни рўй-рост очиб берувчи мақолалар билан матбуотда бонг урмаяпти.

Эстрада қўшиқчилик санъати соҳасидаги мана шундай нуқсонларни бартараф этишнинг самарали йўлини излаб топиш бўйича Эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши қатор таклифлар ишлаб чиқиб, жорий этиб бормоқда.

Халқимизда шундай гап бор: «Касални даволагандан кўра унинг олдини олиш афзал». Эстрада қўшиқчилигида ҳам янги қўшиқларни магнит тасмаларига ёзилишидан олдин унинг шеърий матнини ва мусиқасини мутахассислар назаридан ўтказиш тартибига қатъий амал қилиш тизимини яратиш, ёш ижрочиларга лицензия беришда улар ижоди тўғрисида камида иккита таниқли эстрада устасининг тавсиясини асос қилиб олиш, Ўзбекистон ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олувчи даъвогарнинг жонли ижросини кўриш шулар жумласидандир. Шунингдек, ҳар бир концерт ва шоу томошани мунтазам тақриз қилиб боришни ташкиллаштириш, пуллик концерт-томошаларда санъаткорларнинг фонограммадан фойдаланишини меъёрловчи ҳужжат тайёрлаш, профессионал эстрада ижрочиси билан ҳаваскорларга қўйиладиган талаблар жадвалини ишлаб чиқиш, нодавлат оммавий ахборот воситаларида эстрада санъати намояндалари ҳақида берилаётган саёз материаллар чоп этилишининг олдини олиш мақсадида уларни Кенгаш назаридан ўтказиш тизимини юзага келтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.



Кўриниб турибдики, ушбу вазифаларнинг аксарияти турли ташкилотлар билан ҳамкорликда фаол иш олиб боришни тақозо этади. Бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш ниҳоятда зарур.

Яна бугун «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан бир қаторда республика Телерадиокомпанияси, Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, «Маънавият ва маърифат» маркази қўшиқчилик санъати соҳасидаги мавжуд масалаларни шахсий муаммолари деб қабул қилишлари мақсадга мувофиқдир. Зеро, қўшиқ ҳам маънавият экан, уни битта шахс ёки ташкилот эмас, балки бутун бир жамият яратади.

**Баҳодир АБДУРАҲИМОВ,**
**«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори.**

